QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH QO'MITASI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ EKOLOGIYA HÁM QORSHAǴAN ORTALÍQTÍ QORǴAW KOMITETI

230100 Nókís qalası, Tań nurı №181-úy Tel.: (361) 224-08-77, Faks.: 224-19-51
el pochta: nukus@uznature.uz; rktabiat@exat.uz

2021-jıl "16" - декабр № 02/18-12-2754 Nókis qalası

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига

2021 йил 13 декабрь кунги
4/1755 сонли хат юзасидан

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан «QARAQALPAQ ARAL INVEST» МЧЖ директори Г.Яхьяевнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жоқорги Кенгеси Раисига "Орол артемия саноат" дирекциясининг корхона фаолиятига тўсқинлиқ қилиб, артемия цисталарини сотиб олувчи корхоналар рўйхатидан чиқаришга уринаётганлиги масаласида йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Қўмитамиз томонидан 2021 йил 19 октябрда 01-02/18-12-2251-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 майдаги 327-сон "2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси табиий-хомашё ва минерал ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича хомашё базасини кенгайтириш ҳамда шу асосда қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"даги қарори 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида "Махсус комиссияга" Орол денгизининг Ўзбекистон Республикаси акваториясида 2021-2022 йил 31 мартгача артемия цисталарини йиғиш ҳажмлари бўйича Ўзбекистон Республакаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқод институтининг 2021 йил 19 октябрдаги 17-01/302-сон билан тақдим этилган 3500 тонна артемия цистасига берган хулосаси тавсия этилди.

«QARAQALPAQ ARAL INVEST» МЧЖ юқорилаги қарорнинг "Артемия цисталарини чуқур қайта ишлаш ҳажмларини кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати"га киритилганлиги сабабли, корхонанинг артемия цисталарини сақлаш, бирламчи қайта ишлаш ва қуритиш бўйича асбоб ускуналари мавжудлигини ўрганиб чиқиб, "Махсус комиссия"нинг мажлисида артемия цисталарини йиғиш ва қайта ишлаш ҳамда экспорт қилишга тегишли рухсатнома берилиши масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини маълум этамиз.

Раис биринчи ўринбосари **М. Жоллыбеков**

Бажр.А.Бабажанов
Тел: 61/224-01-50